Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йилда 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918 — 1920 й.) «Қизил байроқ» (1920 — 1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

№ 116 (21. 215) 1992 йил 13 июнь, шанба ● БАҲОСИ 2 СЎМ.

ИНСОН ҚАДРИНИ МЕҲНАТ ОШИРАР

СУРАТДА: анжуман пайти.

Р. НУРИДДИНОВ олган сурат (ЎзА).

ЖАҲОНДАГИ КОН-РУДА КОМПАНИЯЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНГА ҚИЗИҚИБ ҚАРАМОҚДА

10 июнь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси минерал ресурсларини ўзлаштириш муаммоларига бағишланган халқаро анжуманнинг иши ниҳоясига етди.

Унда чет эллардаги йирик кон-руда компанияларининг вакиллари қатнашдилар.

Илгари хабар берилганидек, анжуманда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади.

И. А. Каримов Ўзбекистон раҳбариятининг мақсади — аҳоли турмуш даражасини оширишдан иборатлигини таъкидлади. Бунга эришиш учун минерал ресурслардан оқилона фойдаланмоқ керак. Ўзбекистонда бундай ресурслар кўп. Республикада ўнлаб олтин конлари борлиги аниқланган, лекин уларнинг ҳаммасидан тўла фойдаланилаётгани йўқ. Бошқа мамлакатларга нисбатан Ўзбекистон бу ҳусусда сезиларли афзалликларга эга, чунки маҳаллий конларда олтин очиқ усулда қазиб олинади. Уларга олиб борадиган транспорт йўллари қурилган, меҳнат ресурслари ҳам етарли. Бинобарин олтин қазиб чиқаришни анча кўпайтириш ва шу йўл билан иқтисодиётни мустаҳкамлаш учун ҳамма имкониятлар мавжуд.

Республика Президенти хорижий компанияларга фойдали қазилмаларни биргаликда қазиб чиқаришда иштирок этиш таклиф қилинганлигини айтди. Барпо этилаётган мустақил иқтисодиётга хорижий сармояни жалб этиш зарур. Республикада барпо этилган корхоналар унинг салоҳиятини оширади.

Ўзбекистон иқтисодиётида, деб таъкидлади Президент, ҳозир хорижий сармоялар учун жуда қулай вазият вужудга келди. Барқарорлик, миллий ва фуқаролар тотувлиги сақланиб турибди. Хорижий сармоялар ҳозирнинг ўзидаёқ қонун билан муҳофаза қилинган.

Анжуманда республика вазирликлари ва идораларининг, хорижий фирмалар ва компанияларнинг, банкларнинг вакиллари сўзга чиқдилар. Ўзбекистоннинг хорижий компаниялари билан ҳамкорлигига асос солинди, дейишди нотиқлар. Олтин ажратиб олиш мақсадида Мурунтовда «Зарафшон — Ньюмонт» Ўзбекистон — Америка кон-бойитиш корхонаси барпо этилди. Олмалиқ кон-металлургия комбинати эса «Оутокумпу» компаниясининг мис эритиш корхонасини автоматлаштиришга доир таклифини ўрганиб чиқмоқда.

Анжуманнинг хорижий иштирокчилари И. А. Каримовга Бирлашган Швейцария банкининг эсдалик тангасини топширдилар.

(ЎзА мухбири).

МУКОФОТ МУБОРАК!

Республикамизда илмий тафаккурни ривожлантиришга қўшган катта ҳиссалари, олий ва ўрта махсус ўқув юртларига мўлжалланган дарсликлари учун Ўзбекистон Президентининг Фармонига мувофиқ бир гуруҳ олимларга фан ва техника соҳасида Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофотлари берилди.

10 июнь куни Ўзбекистон Президенти девонида ана шу мукофотларни топшириш маросими бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов мукофотланганлар ҳузурида нутқ сўзлади.

— Бугун биз сизларга Беруний номидаги республика Давлат мукофотларини топшириш учун бу ерга тўпландик, — дея олимларга мурожаат қилди Президент. — Бу Ўзбекистонимиз мустақиликка эришгандан буёнги биринчи ана шундай воқеадир. Бундан ҳаммамиз хурсандмиз.

Ҳозир мустақил Ўзбекистон давлати ўз олдига иккита катта вазифани асосий мақсад қилиб қўйган, — деб сўзида давом этди Президент — Биринчи мақсад — республикада фаровон ҳаёт барпо этиш, Ўзбекистонимизни тараққий эттира бориб, уни жаҳондаги энг илғор мамлакатлар сафига олиб чиқишдан иборатдир. Иккинчи мақсадимиз эса ўлкада бозор иқтисодиётига асосланган янги жамият қуриш. Ана шу улуғвор мақсадларни рўёбга чиқаришда сиз, олимлар ҳам ўз ҳиссангизни қўшасиз, деб ўйлайман. Чунки фансиз бунга эришиб бўлмайди, албатта. Фан — енгилмас кучдир. Сизлар фақат фанимиз заҳматкаши бўлибгина қолмай, давлатимизнинг фидойи кишиларисиз. Биз сиз олимлардан фанда кўпгина янгиликлар кутяпмиз.

И. А. Каримов Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш ва уни тобора ривожлантириш, республикани вақтинча рўй берган иқтисодий тангликдан тезда олиб чиқиш, ўлкада яшаб, меҳнат қилаётган турли халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни, тинч-тотувлик ва осойишталикни қарор топтиришда олимларнинг роли муҳимлигини таъкидлади. Уларга зарур шарт-шароитларни яратиб бериш керакли-гини айтди.

Шундан кейин олимларга Давлат мукофотлари — лауреатлик дипломлари ва нишонлар топширилди.

И. А. Каримов олимларни юксак мукофотлар ҳамда Қурбон ҳайити билан чин қалбдан муборакбод этди, уларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, узоқ умр ва илмий изланишларида янгиданянги зафарлар тилади.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан таниқли олимлардан Т. Саримсоқов, А. Қаюмов ва бошқалар камтарин меҳнатларига берилган юксак баҳо учун республика раҳбариятига ўзларининг чексиз миннатдорчиликларини изҳор қилдилар. Улар барча куч ва имкониятларини ўлкамизда фанни янада тараққий эттириш, унинг ютуқларини мустаҳкамлаш ҳамда халқ бахт-саодати йўлида хизмат қилдириш учун сафарбар этажакларини айтдилар.

Мукофотларни топшириш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат котиби Р. Ражабов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев, Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси С. Саидқосимов, республика Фанлар академиясининг президенти М. Салоҳиддинов иштирок этдилар.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

Бугунги сонда:

1-БЕТ

Республика Президенти бир гуруҳ олимларга давлат мукофотларини топширди. Тантанали маросимда Ўзбекистонимизни тараққий эттира бориб, уни жаҳондаги энг илғор мамлакатлар сафига олиб чиқишдан иборат улкан вазифа ҳақида сўз борди.

2-БЕТ

Иқтисодиётимизни мустаҳкамлашда уларнинг ҳам ўз ўринлари бор (Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти 60 ёшга тўлди).

3-БЕТ

Аҳоли талаб-истаклари ўз вақтида инобатга олинса...

4-БЕТ

Шоирлар сўз айтса
орзудек порлоқ
Биз-чи, биз тупроқни
гуллатаверамиз.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов республикага келган «Элф» нефть корпорацияси (Франция) эгаларидан бири Андрэ Гэлфи билан Халқаро олимпиада ҳаракати бу юртмаларини бажараётган «Студио—6» Швейцария фирмасининг президенти Горан Такачни 12 июнь куни қабул қилди.

Самимий, дўстона суҳбат чоғида меҳмонларга Ўзбекистоннинг мустақиллик йўлидан ҳаракат қилаётгани, унинг юксак иқтисодий имкониятлари, бу имкониятлар бутун жаҳондаги савдо-саноат доираларининг эътиборини жалб этаётгани ҳақида сўзлаб берилди.

Ўзбекистон Президенти А. Гэлфига яқинда Наманган вилоятида топилган нефть заҳиралари, уларни ўзлаштиришда ҳамкорлик қилиш келтирадиган фойдалар ҳақида сўзлаб берди.

И. А. Каримов Ўзбекистоннинг иқтисодиёт бошқа тармоқларидаги катта имкониятлари, амалий соҳада хорижий ҳамкорлар билан биргаликда кооперациялашнинг афзалликларига тўхталиб ўтди.

Учрашувда 2000 йилги ёзги Олимпиада ўйинларини ўтказиш ҳуқуқи учун Тошкент ўз номзодини кўрсатганига муҳим аҳамият берилди. И. А. Каримов буни республика аҳолиси Олимпиаданинг олижаноб мақсадларини қўллаб-қувватлаши, шаҳарнинг қулай жуғрофий ҳолати, қулай иқлими, яхши спорт базасининг мавжудлиги ва уни ривожлантириш учун имкониятлар борлиги, аҳолининг меҳмондўстлиги билан изоҳлади. Республика Президенти Олимпиаданинг Тошкентда ўтказилиши мустақил Ўзбекистоннинг халқаро обрўсини мустаҳкамлаш учун катта сиёсий аҳамиятга эга бўлишини уқтирди.

Хорижий меҳмонлар иқтисодиётнинг турли соҳаларида ҳам, Тошкентга 2000 йилги Олимпиада пойтахти бўлиш имконини берадиган реклама кампаниясини авж олдиришда ҳам республика билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканликларини айтдилар.

Йўлга қўйилаётган амалий алоқалар муваффақият қозонишига ишонч изҳор этилди.

Суҳбатда республика Бош вазирининг ўринбосари, «Ўзбекнефтегаз» концернининг раиси Қ. Ж. Ҳаққулов, ташқи иқтисодий алоқалар вазирининг ўринбосари, Олимпиадага тайёргарлик комитетининг раиси У. М. Эштоев иштирок этдилар.

(ЎзА).

Бугун, учинчи кундирки, ўлкамизда — Қурбон ҳайити — Ийд -ал-адҳа! Мустақил Ўзбекистон Республикаси меҳнаткашлари Ер юзидаги 1 миллиард нафардан кўпроқ мўмин-мусулмон биродарлари каби Қурбон ҳайитини хурсандчилик билан, очиқ юз ва покизалик билан байрам қилмоқдалар.

ҚУРБОН ҲАЙИТИ— КАТТА БАЙРАМ

Ҳайитнинг биринчи куни, айниқса, тантанали бўлди. Одамлар ярим тунданоқ масжидлар сари йўл олдилар. Улар икки ракат бомдод намози ўқилгач, имомликка ўтган зоти шарифларнинг амри маъруфларини қулоқ бериб тингладилар. Шундан кейин ийд намози тантана билан адо этилди. Юртимизда тинчлик, омонлик бўлишини, дастурхонимиз тўкин бўлишини, хонадонларимизга файз-баракот киришини, ўртамиздан меҳр-мурувват, оқибат кўтарилмаслигини истаб, дуога қўл кўтардилар. Ўзбекистонимизнинг мустақиллигини қарор топтириш учун астойдил бел боғлаб хизмат қилаётган раҳбарларимизга Аллоҳдан куч-ғайрат, сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилаб қолдилар.

Шундан кейин байрам маҳаллаларга, хонадонларга кўчди. Кучи етганлар қурбонликлар қилишга киришдилар. Қўни-қўшниларни қавму-қариндошларни, юртдошларни табриклашга, етим-есирлар, бева-бечоралар, кўнгли шикастлар ҳолидан хабар олишга ошиқдилар. Кексаларни, табаррук зотларни, беморларни бориб кўрдилар. Оламдан ўтган марҳумлар руҳини ёд айладилар.

Бу йилги Қурбон ҳайитининг ўзига хос яна бир жиҳати бор. Биз Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармоғига кўра, унинг биринчи кунида дам олиб, байрамни эмин-эркин ўтказдик. Кўчаларда, ҳиёбонларда Қурбон ҳайитини улуғловчи шиорларни кўриб-ўқиб, ниҳоятда хурсанд бўлдик.

Яна бир муҳим воқеа ҳайит арафасида рўй берди. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов шу йил 11—14 апрель кунлари икки муқаддас масжид ходими, Саудия Арабистони мамлакатининг подшоҳи Фаҳд ибн Абдул Азиз ал Саудининг таклифига биноан Саудия Арабистонига сафар қилиб, умра ҳажни адо этиб қайтган эди. Ўша сафарда подшоҳ унга Маккаи Мукаррамадаги Каъбанинг устига тўшаладиган кисва (Каъбапўш)нинг бир қисмини совға қилган эди. И. А. Каримов уни Самарқанд вилояти Челак туманидаги Хўжа Исмоил Бухорий масжидига тортиқ қилди. Бундай саховатпешалик ҳар қандай ўлкага ҳам қилинавермайди. Бу ислом оламига буюк муҳаддисларни етказиб берган заминга беқиёс таъзимдир. Шоир айтганидек,

«Илоё, барига бахш этсин иймон,
Ўтар ҳар лаҳзаси бир ҳайит бўлсин».

Э. ХУЖАЕВ.

Шу кунинг нафаси

ЎЗБЕКИСТОН ПИЛЛАКОРЛАРИ ҒАЛАБАСИ

● РЕСПУБЛИКАМИЗ ПИЛЛАЧИЛАРИ УЛҚАН МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИНИ ҚЎЛГА КИРИТДИЛАР.

Пиллакорлар белгиланган 29590 тонна ўрнига 32000 тоннадан зиёдроқ пилла топшириб, режани 108 фоизга уддаладилар. Ҳар бир қути уруғдан ўртача 62 килограммдан пилла олинди. Етиштирилган ҳосилнинг 85 фоиздан кўпроғи юқори навларга топширилди.

• ХДП: амалий ишлар

Фармон ижроси билан

● ХДП Деҳқонобод район кенгаши қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитини яхшилаш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш учун партиявий таъсирнинг барча воситаларидан самарали фойдаланмоқда. Айниқса кишиларга зарур барча шарт-шароитларни яратиш юзасидан республика Президенти Фармонлари ҳамма жойда тўла-тўкис бажарилишини таъминлаш учун барча чоралар кўриляпти.

Яқинда район партия кенгашида Президент Фармонларининг бажарилиши ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ иккала масала муҳокама этилди. Ижроия бюро Ибн Сино номли, Усмон Юсупов номли, «Кўкбулоқ», «Оқработ» давлат хўжаликлари, сув хўжалиги бошқармаси, Ҳамза маҳалласи бошланғич партия ташкилотлари шу соҳада олиб борилаётган ишларни чуқур таҳлил этиб, тегишли қарор қабул қилди.

Президент Фармони эълон қилингач, районда шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш йўлга қўйилди. Биргина ўтган йили аҳолига 263 бош қорамол, 1534 бош майда мол, 16243 та парранда сотилди. Қишлоқда яшовчи 9205 оилага 3036 гектар ер уй-жой қуриш ва томорқа учун берилди. Уй-жой қураётганлар арзон нархда қурилиш материаллари билан таъминланди.

Аммо шу билан бирга район партия кенгашининг шу соҳадаги фаолиятини ҳозирги талаблар даражасида деб бўлмайди. Партия кенгаши бошланғич ташкилотларнинг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги фаолиятига раҳбарлик қилишнинг такомиллашган усул ва услубларига эга эмас.

ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши ижроия бюросининг Деҳқонобод район партия кенгашининг республика Президенти Фармонлари асосида қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини яхшилаш борасида олиб бораётган ишлари ҳақидаги масалани муҳокама қилган. Мажлисда ана шулар тўғрисида батафсил фикр юритилди. Мажлисда ХДП район кенгашининг биринчи котиби Х. Эшмуродов ва район ҳокими Ч. Қўшоқовларнинг ахбороти эшитилди.

Вилоят партия кенгаши ижроия бюроси мажлиси район кенгашининг Президент Фармонларини бажаришдаги фаолиятини янада кучайтириш юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Ташкилий масала

ЯНГИ РАИС САЙЛАНДИ

Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ навбатдан ташқари тўқизинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияда ташкилий масалалар кўрилди.

Д. Н. Шамшетов бошқа ишга ўтиши муносабати билан унинг Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси лавозимидан озод этиш тўғрисидаги илтимоси қаноатлантирилди. Олий Кенгаш сессияси Д. Н. Шамшетовни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари этиб тайинлаш ҳақида қарор қабул этди.

Илгари Тахтакўпир райони ҳокими бўлиб ишлаган Уббиниёз Аширбеков Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раислигига яширин овоз бериш йўли билан сайланди.

А. Тожиев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси вазифасидан озод этилди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Ш. М. Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Б. Умрзоқов иштирок этдилар.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Оламда нима гап

ЯНА ТЎРТ ЭЛЧИХОНА

● Саудия Арабистонининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳудудидаги элчихоналари яқин орада бештага етади.

Саудия Арабистони подшоҳи Фаҳд ибн Абдул Азиз ал Саудининг Фармойиши эълон қилинди. Унга биноан ташқи ишлар вазирлигининг махсус комиссиясига янги элчихоналар очиш учун бинолар танлаш ва дипломат ходимларни жойлаштиришга доир амалий масалаларни ҳал этиш вазифаси топширилди.

Саудия Арабистони Россия жанубида жойлашган республикалар билан алоқаларни йўлга қўйишда катта ҳажмдаги ишни бажараётган Москвадаги дипломатия ваколатхонасини сақлаб қолиб ва мустаҳкамлаб, навбатдаги қадамни қўйиш ниятидадир. Дастлаб Тошкентда, кейинчалик Ашғабат, Бишкек ва Олмаотада ваколатхоналар очилади. Юқорида тилга олинган комиссия Ўзбекистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Қозоғистонга боради. Делегацияга ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилиш билан бирга шу республикаларнинг юқори даражадаги расмий кишилари билан учрашиш топширилган.

(Ҳориждан олинган бошқа хабарларни 2-саҳифада ўқийсиз).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ ФАРҒОНАДАГИ 8-ИЖАРА-КООПЕРАТИВ ҚУРИЛИШ ТРЕСТИНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик халол меҳнати, ишлаб чиқаришда юксак кўрсаткичларга эришганлиги ва ижтимоий турмушдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН БИНОКОР»

Карамишева Нина Сергеевна — 8-механизациялашган кўчма колоннанинг сувоқчиси.

Шодиев Бегижон — 2-қурилиш бошқармасининг дурадгори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН

Асфандиёрова Зилҳиза Аҳмедовна — трест бошқарувчисининг ўринбосари.

Ишмаев Рифқат Анварович — трест бошқарувчисининг биринчи ўринбосари.

Мамажонов Олимжон — 11-қурилиш-монтаж бошқармаси ғишт терувчиларининг бригадири.

Приходько Павел Давидович — 3-қурилиш бошқармасининг электр пайвандчиси.

Саричев Владимир Николаевич — 2-қурилиш бошқармаси дурадгорларининг бригадири.

Семёнова Анна Ивановна — 11-қурилиш-монтаж бошқармаси режа бўлимининг бошлиғи.

Тўхтахунов Юсуфжон — 8-механизациялашган кўчма колонна ғишт терувчиларининг бригадири.

Юсупов Ғулом — 4-қурилиш бошқармасининг ғишт терувчиси.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

1992 йил 10 июнь,
Тошкент шаҳри.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИДА

Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатида маданият ҳамда бадиий санъатни ривожлантириш, кинематография тармоқларини бошқаришни такомиллаштириш, бозор муносабатларига ўтиш шароитида замонавий иқтисодий усулларни қўлланиш масалалари муҳокама этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги тузилмаси базасида Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, кинолаштириш ва кинопрокат бошқармаси тузиладиган бўлди.

(ЎзА мухбири).

«Озодлик» радиосининг республикамиздаги мухбири Тоҳир Умаров Ўзбекистон мудофаа ишлари вазири Рустам АҲМЕДОВ билан суҳбатлашди. Бу мусоҳаба ушбу радиостанция орқали эшиттирилди. Қуйида ана шу суҳбатнинг баёнини ўқийсиз.

Р. АҲМЕДОВ:

ЗАРУР БЎЛГАНИ УЧУН ЯЛПИ ХАВФСИЗЛИК ШАРТНОМАСИГА ИМЗО ЧЕКИЛДИ

Аввало, суҳбатдошлар республика Қуролли Кучларининг тизими ҳақида гап очдилар.

«Қуролли Кучларимизда бу жараён бошланганига саккиз ой бўлди, — деб уқтирди вазир. — Бугунги кунда қуруқликдаги қўшинлар, яъни танк ва артиллерия қўшинлари, ҳаво-десант ҳамда ҳарбий-ҳаво кучлари, ҳарбий ўқув юртлари, миллий гвардия, ҳуллас, республика ҳудудидаги барча Қуролли Кучлар батамом мустақил Ўзбекистон тасаррафидадир. Қуролли Кучларимизни мустақил дейишга асосим бор.

Қуролли Кучларимизни ташкил этишдаги ҳозирги сиёсат миллий зобитларимизни кўпайтиришдан иборатдир. Шу мақсадда бошқа музофотлардан миллий ҳарбий мутахассисларимизни чақириб олмоқдамиз, тарихда биринчи марта ҳарбий ўқув юртларига ўзбек зобитлари бошчилик қилмоқда, қўмондонлар ҳам ўзбеклардан бўлди».

Сўнгра вазир ўз фикрини далилу мисоллар билан исботлади.

Мухбир «Бугунги кунда Ўзбекистон Қуролли Кучлари таркибида маҳаллий миллатга мансуб йигитлар салмоғи қандай?» деб савол берганида мудофаа вазири қуйидагича жавоб қайтарди:

«Ҳозирги вақтда ҳарбий қисмлардаги аскарларнинг қарийб 70 фоизи Ўзбекистон ҳудудидан хизматга чақирилган ёшлардир. Президентимиз Фармонига биноан шу йилдан бошлаб йигитларимиз республика ҳудудидагина хизмат қиладилар (жумҳуриятимиздан ташқарида хизмат қилишни хоҳлаганларнинг истаги уларнинг аризаларига кўра қондирилиши мумкин). Лекин миллий ҳарбий зобит мутахассислар етишмаётгани аён кўриниб турибди. Шунинг учун ўзбек йигитларидан зобитлар тайёрлаяпмиз. Улар уч ўқув юртида таълим олмоқда».

Маълумки, шу йил 15 май куни Ҳамдўстликка аъзо бўлган айрим давлатлар, шу жумладан, Ўзбекистон ҳам Тошкентда ялпи хавфсизлик шарномасини имзолаган эди; вазир билан мухбир ана шу хусусда ҳам фикр олишдилар. «Ҳамсуҳбатимнинг гапларига қараганда, — деб изоҳ берди мухбир, — Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистонни истисно қилганда, бу шартнома уни имзолаган Арманистон ва Россия билан илгаридан келишув асосида пайдо бўлмаган».

«Рустам Аҳмедов, — деб сўзини давом эттирди мухбир, — менга Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон Қуролли Кучлари собиқ Туркистон ҳарбий округидаги Қуролли Кучлар негизида, тўғрироғи, уларнинг бўлиниши натижасида юзага келганини эслатиб, бу ҳол ҳарбий саноат комплексига зиён етказиши мумкинлигини айтди. «Чунончи, ҳарбий воситалар — қурол-яроғ ва аслаҳа-анжом мустақил давлатлар ўртасида бўлиниб қолди, — деди мудофаа ишлари вазири. — Масалан, Ўзбекистонда озиқ-овқат омборлари қолган бўлса, Қозоғистонда ҳарбий аслаҳахоналар мавжуд». Шу сабабдан ҳам Ўзбекистон Президенти Ўрта Осиёдаги қўшни республикаларга ягона ҳарбий ташкилот ёки шартнома тузиш таклифини айтган экан. Вазирнинг уқтиришича, бу ҳақда Ўрта Осиё ва Қозоғистон давлатлари раҳбарларининг Ашгабат ва Бешкекдаги учрашувларида ҳам гап борган. Лекин ўша кезларда улар бу таклиф хусусида бир қарорга келишмаган экан. 15 майдаги Тошкент учрашувида ана шундай шартнома тузиш фикри Россия Президенти Б. Н. Ельцинга айтилганида, Борис Николаевич, бу шартномага Россия ҳам қўшилишини билдирган. Шу тариқа мазкур шартнома юзага келган. Ўзбекистон мудофаа ишлари вазирининг уқтиришича, мазкур шартнома ҳарбий-саноат комплексини унга путур етказмаган ҳолда сақлаб қолишга имконият яратади. Шартноманинг Ўзбекистон ёки, айтайлик, Қозоғистон учун керакли ва асосли томони ҳам шунда».

Шундан кейин мухбир вазирга Ўзбекистон мазкур шартномага имзо чеккани муносабати билан турли доираларда турлича фикрлар юзага келганини айтиб, қуйидагиларни таъкидлади: «Кузатувчилар, Ўзбекистон шартномага имзо чекиш билан ўзини мураккаб аҳволга солиб қўйди, демоқдалар. Республикадаги муҳолиф кучлар эса шартномани ҳарбий блок шартномаси деб баҳолашмоқда. Шу ҳақдаги фикрингизни баён этсангиз?»

Вазир бу саволга қуйидагича жавоб берди: «Бундай дейишдан аввал ялпи хавфсизлик шартномасини ўқиб чиқиш керак. Шунда маълум бўладики, шартномага ҳар бир мустақил давлат қўшилиши мумкин. Бундан ташқари, шартнома учинчи бир давлатга қарши қаратилмаган. Республикамизнинг шартномани имзолаши, менимча, ҳозир зарур. Зотан, ҳужжатда: «Ҳар бир мустақил давлат, мабодо қароридан қайтмоқчи бўлса, олти ой олдин ариза ёзиб, сўнг шартномадан чиқиб кетиши мумкин, деб қайд этилган».

Шу ўринда мухбир: «Гапингизнинг мазмунига қараганда, бугунги кунда шартнома керак экан-да...» деб луқма ташлади.

Бунга жавобан вазир: «Тўғри айтасиз. Ҳозир шартнома зарур», деб айтди.

• ЎЗБЕКИСТОН КЎЗИ ОЖИЗЛАР ЖАМИЯТИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН КЎЗИ ОЖИЗЛАР ЖАМИЯТИ КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЎРНАК КЎРСАТГАН ИШЧИЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик халол меҳнати, ишлаб чиқариш, турмуш ва таълимни ривожлантириш даги хизматлари, жамоат ҳаётидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин.

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими»:

Алижонов Осимжон — жамиятнинг Марғилондаги ўқув-ишлаб чиқариш комбинати директори

Усубжонов Исоқжон — жамият Марказий бошқарувининг раиси

Шоматов Жумабой Сайфутдинович — жамият Андижон ўқув-ишлаб чиқариш комбинатининг директори

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими»:

Отажонов Қурамбой — кўзи ожизлар учун Гурлан махсус кутубхонаси мудири, Хоразм вилояти

Шокирова Дилоромхон — жамият Фарғона вилоят бошқарувининг раиси

Қодирова Саноат — жамият Сирдарё вилоят бошқарувининг раиси

Ҳайдаров Акбар — жамият Бухоро вилоят бошқарувининг раиси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»:

Мирахмедов Миродил Мирахмедович — жамиятнинг кардионеврология санаторийсининг директори, Тошкент вилояти

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг Фахрий Ёрлиғи билан мукофотлансин

Абдулазизова Сайилбани — жамиятнинг Тошкентдаги ўқув-ишлаб чиқариш комбинати ишчиси

Абдурахматова Зуҳрахон — жамиятнинг Наманган даги ўқув-ишлаб чиқариш комбинати ишчиси

Ортиқова Гулзира — жамият Қорақалпоғистон Республика бошқарувининг раиси

Аҳмадалиев Тошпўлат — жамиятнинг Янгиқўрғондаги ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси ишчиси, Наманган вилояти

Баратова Санда Ғуломовна — жамиятнинг Бухоро ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси тикувчилик цехининг катта устаси

Ботиров Бахтиёр — Одилович — жамиятнинг Қаршидаги ўқув-ишлаб чиқариш комбинати директори, Қашқадарё вилояти

Езумов Аҳмаджон — жамиятнинг Фарғонадаги ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси ишчиси

Ёқубов Олтибой — жамиятнинг Шаҳрисабздаги ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси тўқувчиси

Қодиров Комилжон — жамиятнинг Қувадаги ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси ишчиси, Фарғона вилояти

Комилов Останақул Одилович — жамият Қашқадарё вилоят бошқаруви раиси

Қосимова Машрабхон Ғаниевна — жамиятнинг Андижондаги ўқув-ишлаб чиқариш комбинати ишчиси

Мадраимов Маширип — жамиятнинг Хивадаги ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси ишчиси, Хоразм вилояти

Махсудов Давлатохун Қурбонович — жамиятнинг Қувадаги ўқув ишлаб чиқариш корхонаси директори.

Машарипова Ҳадича — жамиятнинг Хўжайлидаги ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси ишчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Мижлумова Зинаида Викторовна — жамият Марказий бошқаруви таъминот бўлимининг катта муҳандиси

Морозова Людмила Эдуардовна — жамият Марказий бошқаруви инспектори

Найманов Гелдус — кўзи ожизлар маданият уйининг директори, Андижон вилояти

Насриддинов Парда Шодмонович — жамиятнинг Қаршидаги ўқув-ишлаб чиқариш комбинати ишчиси, Қашқадарё вилояти

Низомхонова Муҳаббатхон — Асакадаги 16-кўзи ожиз болалар мактаб-интернати муаллимаси, Андижон вилояти

Норматова Насибахон — жамият Наманган вилоят бошқаруви раиси

Пискун Ольга Дмитриевна — жамият Марказий бошқаруви режалаштириш бўлими бошлиғи

Саъдуллаева Марям — жамиятнинг Жиззахдаги ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси ишчиси

Солиев Обид — жамиятнинг Марғилондаги ўқув-ишлаб чиқариш комбинати бош ҳисобчиси, Фарғона вилояти

Санъатова Насвар — жамият Марказий Бошқаруви раисининг ўринбосари

Сотволдиев Тоҳиржон — жамиятнинг Қўқондаги ўқув-ишлаб чиқариш комбинати йиғувчи-слесари

Токпанов Жуманиёз — Кармана шаҳридаги кўзи ожизлар махсус кутубхонаси мудири, Навоий вилояти

Туримбетов Ибодулла — жамиятнинг Нукусдаги ўқув-ишлаб чиқариш комбинати ишчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Тўхтабоева Малика Акбаровна — жамият Марказий бошқаруви ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи

Ҳакимов Вали Обитович — жамиятнинг Сирдарёдаги ўқув-ишлаб чиқариш комбинати директори

Ҳасанов Нажмитдин — Асакадаги 16-кўзи ожизлар мактаб-интернати муаллими, Андижон вилояти

Хўжаев Амирқул — жамиятнинг Сариосиёдаги ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси коменданти, Сурхондарё вилояти

Холов Ҳикмат — жамиятнинг Самарқанддаги ўқув-ишлаб чиқариш комбинати ишчиси

Шакриянов Сафо Собирович — жамиятнинг Чирчиқдаги ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси бичувчиси, Тошкент вилояти

Шарипова Муаззам Жўрақуловна — жамиятнинг Навоийдаги ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси ишчиси

Эргашева Майсара — жамиятнинг Ғиждувондаги ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси тўқувчиси, Бухоро вилояти

Эшонхўжаев Анваржон Акбарович — кўзи ожизлар учун чиқариладиган «Бир сафда» — «В одном строю» ва «Янги ҳаёт» журнали бош муҳаррири

Юсупов Эркин Тоирович жамият Марказий бошқаруви инструктори

Юсупов Насибулла — жамият босмахонаси брайль ҳарф тизмаси созловчиси

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

1992 йил 10 июнь,
Тошкент шаҳри.

ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС

Агар тарихга назар ташласак, инсоният тараққиёти жараёнига, шу жумладан, кўзи ожизларга бўлган муносабат ҳам турлича бўлган.

Маълумки, кўзнинг хиралашуви ёки бутунлай кўрмай қолиши ачинарли ҳол. Бундай кишининг соғлом кишиларга аралашуви, атрофдаги воқеаларни билиши, турли фаол ишларга қатнашиши анча қийинлашади. Аммо, ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, кўздан қолган кишиларнинг иш қобилиятини тиклаш, уларни тенг ҳуқуқли жамият аъзоларига айлантириш, меҳнат қилишлари, оила қуриб, болалар тарбиялаб, элга қўшишлари мумкин эканлиги тўла исботланган. Бироқ бунинг учун кўзи ожиз ҳар бир киши айрим қийинчиликларни бошидан кечиради ва уларни енгиб ўтади.

Кўзнинг инсон учун аҳамияти бебаҳо. Сезги аъзолари орқали ташқи муҳитдан олинадиган ахборотнинг тўқсон фоизини инсон кўз ёрдамида қабул қилади. Кўз инсонга нарсаларнинг рангини, муҳитдаги тартибий жойлашувини, каттакичиклигини, тузилишини, юлдузлар ёрдуси-ю, ой ва қуёш нурларини инсон марказий асаб тизими орқали тасвирий ифодалаб беради. Халқимиз шунинг учун ҳам кўз қорачиғини гавҳар билан тенглаштиради. Дунёни ҳис этиш ва билиш фақат кўзга боғлиқ бўлмаса-да, лекин ҳеч қандай сезги аъзоси унинг ўрнини боса олмайди. Шунинг учун ҳам: «Юз маротаба эшитгандан кўра, бир маротаба кўрган афзал», — деган мақол бежиз айтилмаган.

Ҳозир кўзи ожизларнинг иш қобилиятини қайта тиклаш, Брайль системасида ўқиш ва ёзишни ўргатиш, фойдали меҳнат жараёнига тортиш, турли касбларга ўргатиш, спорт ва бадиий ҳаваскорлик тўгарагларига жалб этиш мумкин эканлиги кўзи ожизлар жамиятлари таржибасида тўла исботланган. Ҳозир тизимимизда 24 минг 860 кўзи ожиз ҳисобга олинган бўлиб, уларга 39 та клуб ва маданият уйи, 67 та кутубхона, 188 та қизил бурчак хизмат кўрсатмоқда. ЎзКЖга қарашли 33 та ўқув-ишлаб чиқариш комбинати ва корхоналарида, 52 та участка ва филиалда минглаб кўзи ожизларнинг меҳнат қилаётганлиги, халқ хўжалиги учун турли-туман маҳсулотлар ишлаб чиқараётганлиги бунга яққол мисол бўла олади. Булар пахта териш машиналари учун чўткалар, вино, ароқ ва консерва заводлари учун турли металл қопқоқчалар, пойабзал, кўрпа-тўшак, уй-рўзғор учун зарур бўлган пластмасса буюмлари, картон қутичалардир.

Тошкент ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида ишлаб чиқарилаётган сақлагичлар ҳатто чет элларга жўнатилмоқда.

Шуни айтиш керакки, жаҳонда мавжуд бўлган беш минг касбдан ўндан бир фоизи ожизларнинг қўлидан келадиган касб эканлиги аниқланган. Ижтимоий меҳнат кўзи ожизлар учун фақат моддий манба бўлиб қолмай, балки руҳий озиқ олиш воситаси ҳамдир.

Шу кунларда жумҳуриятимизда олтита кўзи ожиз болалар мактаб-интернати бўлиб, уларда мингдан ортиқ бола тарбияланмоқда. Уларни битириб чиққан юзлаб кўзи ожиз ёшларимиз олий ўқув юртларида билим олиб, турли касб эгалари бўлиб етишмоқда. Агар биз юқорида тилга олган кўзи ожизларда иш қобилиятини қайта тиклаш ва уларни фойдали меҳнатга жалб қилиш, юришга ўргатиш, хотин-қизларни ҳақиқий уй бекаларига, эркакларни эса тўлақонли оила бошлиқларига айлантириш каби ишлар амалга оширилмаганида, хира кўрадиган ва ойниқса, бутунлай кўрмайдиган кишиларнинг ҳоли нима кечишини кўз олдингизга бир келтиринг-а! Ҳозир эса фақат Ўзбекистон жумҳуриятидагина беш мингдан ортиқ кўзи ожиз киши фойдали меҳнат билан шуғулланиб, йилига юз миллион сўмлаб маҳсулот ишлаб чиқаришмоқда. Бундан ташқари, жумҳуриятимизда олтмиш йил бадалида фан докторлари, номзодлари, ҳайкалтарошлар, меъморлар, ўнлаб турли касбдаги малакали ўқитувчилар, кўпгина тажрибали раҳбарлар етишиб чиқди. Улар орасида Қўқон муаллимларининг олийгоҳи профессори Кўчқор Турсунов, Тошкент Давлат дорилфунунининг доценти Санжар Содиқов, меъмор А. Зотов, ҳайкалтарош М. Макаров, ўқитувчи Раҳим Исломов, ёзувчи Вали Ғафуров, Тошкент чўтка ва картон буюмлари ўқув-ишлаб чиқариш комбинатининг директори Николай Гогичаев, ЎзКЖ босмахонасининг директори Мамед Ҳошимов ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ўтган 60 йил мобайнида Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти жумҳурият ҳукумати ёрдамига таянган ҳолда ожизларнинг иш қобилиятини қайта тиклаш, ҳаётда учрайдиган турли-туман қийинчиликларни енгишда ўз-ўзига хизмат кўрсатиш, уй-рўзғор ишларини юритиш, Брайль системасида ўқиш ва ёзишни ўргатиш, турли техника воситалари билан таништириш, «Бир сафда» ва «Янги ҳаёт» журналлари орқали жумҳуриятимизда ва чет элларда кўзи ожизлар эришаётган муваффақиятлар билан таништириш борасида катта ишларни амалга оширди.

Ўйлаймизки, бундан кейин ҳам Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти мустақил Ўзбекистон жумҳурияти ҳукумати ёрдамига таяниб, кўзи ожизларнинг ижтимоий турмуш даражасини янада юксалтириш йўлида улуғ мақсадлар сари олға бораверади.

А. ЭШОНХЎЖАЕВ.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

САУДИЯ АРАБИСТОНИ — МДҲ:

МУҚАДДАС ЗИЁРАТ

● Бугун Қурбон ҳайитининг учинчи куни. Мусулмонлар муқаддас байрамни нишонлаш учун ҳар йили Саудия Арабистонига келишади.

Бу йил байрамга МДҲдан муқаддас Макка ва Мадина шаҳарларини зиёрат қилиш учун 15 мингдан кўпроқ зиёратчи келди. Уларнинг Саудия ҳудудида бўлиши билан боғлиқ харажатларни подшоҳ Фаҳд ўз зиммасига олган. У Россия Федерацияси, Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Доғистондан келган зиёратчилар гуруҳларининг раҳбарлари билан учрашди.

ТУРКИЯ:

ДИПЛОМАТЛАР ЎҚИТИЛАДИ

● Туркия Кавказ ва Ўрта Осиё Республикалари дипломатик ходимларини ўқитишни кўзда тутаяпти.

Туркия ташқи ишлар вазирлигининг баёноти эълон қилинди. Маълум бўлишича, июнь ойида махсус курслар очилади. Унда Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Туркманистондан келган 39 дипломат мутахассиси ўқийди.

ЯПОНИЯ:

ЭЛЧИЛАР ТАЙИНЛАНДИ

● Ҳукумат бирданига тўққизта собиқ совет республикасида элчилар тайинланганини эълон қилди, аммо Японияннинг чет эллардаги штати асло кўпайгани йўқ. Бунинг сабаби шуки, элчиларнинг ҳаммалари ўриндошлик юзасидан ишлайдиган бўлдилар.

Японияннинг Россиядаги элчиси Сумио Эдамурэ зиммасига айниқса, кўп масъулият тушиши табиийдир. Энди у МДҲ даги олти мамлакат — Украина, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Ўзбекистондаги элчи вазифасини ҳам бажаради. Бироқ унинг бирданига етти мамлакатда узоқ вақт ишлашига тўғри келмайди, деб тахмин қилинмоқда. 15 июнь куни япон дипломатларидан бир гуруҳи МДҲнинг бир қанча мамлакатларига сафар бошлайди. Улар Украина, Беларусь, Қозоғистон ва Ўзбекистонда Япония элчихоналарини очиш истиқболлари тўғрисидаги масалани жойларнинг ўзида ўрганадилар.

Япония ташқи ишлар вазирлигидаги манбааларнинг РАТА—ТАСС мухбирига хабар қилишича, ҳозирча бу мамлакатларда элчихоналар очиш тўғрисида қарор қабул этилгани йўқ. Июнь ойининг охиригача МДҲда бўладиган гуруҳ ўз сафари юзасидан маълумотнома топширганидан кейин шу асосда қарор қабул қилинади.

ТОЖИКИСТОН — ПОКИСТОН:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ УФҚЛАРИ

● Тожикистон Республикаси Покистон билан дипломатия муносабатларини ўрнатди.

Покистон давлат вазири Сахзода Муҳиддин Тожикистонга расмий ташриф билан келди. Бу ерда у республика Президенти Раҳмон Набиев билан учрашди. Меҳмон Р. Набиевга Покистон бош вазирининг шахсий мактубини топширди. Мактубда Р. Набиевни Покистонга келишга таклиф этилади. Таклиф миннатдорчилик билан қабул этилди.

Вазирнинг сафари самарали бўлганлиги ташқи маҳкамалар бошлиқлари имзо чеккан протоколда ҳам кўриниб турибди. Иккала республика ҳамкорликни хилма-хил шаклларда олиб бориш ниятидалар.

БМТ:

ДАСТЛАБКИ БОСҚИЧ

● Куни кеча Сараеводаги аэропортни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти назорати остига олишга доир жараённинг дастлабки босқичи бошланди.

БМТ Бош котибининг расмий вакили хабарига кўра, БМТнинг 60 нафар кузатувчиси Белградга етиб келган. БМТнинг бошқа мамлакатлардаги кучларидан яна 60 кузатувчи яқин кунларда жаҳон аҳлини ташвишга солаётган оловли нуқтага — Сараевога жўнаб кетган. Улар ҳали ҳам отишма давом этаётган Босния ва Герцеговина пойтахтида жойлашадилар.

АФҒОНИСТОН:

ЎЗАРО КЕЛИШИШ ЙЎЛИНИ ТОПИШДИ

● Эронпараст «Афғонистон ислом бирлиги» партияси Афғонистон ҳукумати таркибига киришга рози бўлди.

Афғонистон Ислом давлати мужоҳидлар ўтиш даври кенгаши билан партия узоқ музокаралар олиб борди. Бунинг натижасида келишиш йўли топилган. Аҳдномага мувофиқ «Афғонистон Ислом бирлиги» партияси аъзолари Миллий хавфсизлик вазири ва ҳозирча исми айтилмаган яна икки вазирлик раҳбарлари лавозимларини эгаллайдилар. Ишончли манбаларга қараганда шиа масҳабига мансуб мужоҳидлар гуруҳини бирлаштирган бу партиянинг саккиз нафар вакили Афғонистон Ислом давлати раҳбарлик кенгаши таркибига киради.

АҚШ:

КОНГРЕСС ДАЪВАТИ

● АҚШ конгрессининг вакиллар палатаси ўз даъвати билан чиқди.

Вакиллар палатаси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирган мамлакатларни ва бошқа собиқ совет республикаларини Хельсинки якунловчи ҳужжати қоидалари ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик конференцияси бошқа ҳамма ҳужжатларига қатъий амал қилишга даъват этди. Шунингдек, конгресснинг қуйи палатаси аъзолари ҳам шу руҳдаги қарорни қабул қилишган.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномалар хабарлари асосида тайёрланди.

МУҚАДДАС ВАЗИФА

ЎЗБЕКИСТОН ЗИЁЛИЛАРИ ИЛМИЙ-МАЪРИФИЙ УЮШМАСИ ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКАДАГИ БАРЧА ЗИЁЛИЛАРГА

МУРОЖААТИ

Азиз юртдошлар!

Ўзбекистон илм-фани, маданияти ва маърифати фидойилари! Биз, қурултой қатнашчилари, жонажон республикамиз жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб, эртанги кунга ишонч билан қадам қўйган бир пайтда сизларга мурожаат қилмоқдамиз.

Маълумки, 1948 йилда республикамизнинг олимлари, маданият арбоблари, халқ таълими ходимлари, турли соҳа мутахассислари, муҳандислар, агрономлар ва зиёлиларнинг бошқа вакиллари ташаббуси билан илмий-маърифий ташкилот — Ўзбекистон «Билим» жамияти тузилган эди. Жамият ана шу 40 йилдан кўпроқ давр мобайнида халқимиз орасида илм-фанни маърифий, маданий қадриятларни тарқатишда ҳалол хизмат қилиб келди. Шу билан бирга, жамият фаолиятининг аксарияти унитар давлат шароитида, ҳукмрон мафкура ҳаётимизнинг барча жабҳаларини қамраб олган даврда ўтди. Бу ҳолат «Билим» жамиятининг фаолиятига ҳам ўзининг маълум салбий таъсирини кўрсатди.

Ҳозирги янги иқтисодий муносабатлар шароитида жамиятнинг самарали фаолият кўрсатиши қийинлашиб қолди. Ў кўпроқ ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш билан банд бўлиб, зиёлиларнинг барча табақаларини республика мустақиллиги вазифалари ва мақсадларига тўла сафарбар этиш каби бош масалани ечишда оқсаб қолди.

Зиёлилар Ўзбекистон мустақиллиги пойдеворини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодиёти ва маънавий салоҳиятини юксалтириш, жумҳурият аҳолисининг тинч-тотув, осойишта ва фаровон яшашини таъминлаш каби бир қанча долзарб муаммоларни ҳал этишда етакчи кучлардан бири эканлигини биз яхши англаймиз.

Бугунги куннинг бош масаласи — зиёлилар барча тоифаларини, уларнинг бой билими, иқтидори ва тажрибаларини мустақил давлатимиз олдида турган улкан вазифаларни ҳал қилишга сафарбар этишдир. Бунинг учун зиёлиларни бирлаштириш, уларни ижтимоий ҳимоялаш, илмий-маърифий фаолиятлари учун муносиб шарт-шароит яратиш лозим.

Ана шу мақсад йўлида «Билим» жамияти заминида янги, Ўзбекистон зиёлилари илмий-маърифий уюшмасини ташкил этиш, халқимиз орасида фан, техника, маданиятга оид ва илғор тажриба ютуқларини, миллий ва умумбашарий қадриятларни кенгроқ ёйиш зарурияти туғилди, шу боисдан қурултойимиз ушбу уюшмани таъсис этди.

Юқорида қайд этилганидек, Ўзбекистон зиёлилари илмий-маърифий уюшмаси улкан ва масъулиятли вазифаларни ҳал этмоғи лозим.

Энг аввало, уюшма «Билим» жамияти тўплаган тажрибаларга суянган ҳолда ва уларни янада такомиллаштира бориб, республикадаги илмий-маърифий фаолият ва фан ютуқларини татбиқ этиш билан шуғулланаётган барча тизим ва кучларни бирлаштириши, уларни халқимиз манфаатларига хизмат қилишга йўналтириши зарур.

Жумҳуриятимиз саноатини қайта қуриш, дунё бозорларида ўз нуфузига эга бўлган сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқариб қишлоқ хўжалигини аҳоли эҳтиёжларига қараб ташкил этиш, миллий маданиятни ривожлантириш ҳорижий мамлакатлар билан илмий, иқтисодий, маданий алоқаларни мустаҳкамлаш, мустақил давлатимизни барча соҳаларда илғор мамлакатлар қаторига олиб чиқишда ҳар бир зиёлининг муносиб ўрни ва бой имкониятларидан фойдаланмоғимиз даркор.

Бунинг учун меҳнаткашларни айниқса, ёш авлодни фан ва техника ютуқларидан баҳраманд этиш, юксак самарали меҳнат қилишлари учун малака ва кўникмаларини муттасил ошириб бориш талаб қилинади. Янги уюшма ва унинг атрофига бирлашган кўпсонли зиёлилар бу долзарб масалани ҳал этишда юксак ватанпарварлик туйғуларини амалда намойиш этишларига қатъий ишонамиз.

Республикамиз аҳолисини тарбиялаш, бой илмий ва маданий меросимизни, мустақиллик мафкурасини сингдириш ҳар бир зиёлининг муқаддас бурчидир.

Республикамизнинг барча зиёлилари бир жону бир тан бўлиб, ўзларининг бой билим, ҳаётий тажрибаларини олий мақсад — жумҳуриятимизнинг чинакам мустақиллиги ва равнақи, халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлашдек муқаддас ишга астойдил хизмат қиладилар, деб қатъий ишонч билдирамиз!

ЎЗБЕКИСТОН ЗИЁЛИЛАРИ ИЛМИЙ-МАЪРИФИЙ УЮШМАСИ ТАЪСИС ҚУРУЛТОЙИ.

ХАЙРЛИ КАСБ

Жиззах шаҳрида Меливой этикдўзни билмайдиган одам кам. Улуғ Ватан уруши арафасида косибга шогирд тушган Меливой устози жанггоҳга кетгач, мустақил ишлай бошлади.

Шунга ҳам ярим аср бўлибди. Айтишларича, Меливой куёвлик сарпога «кучи етмагач», бировнинг уст-бошини кийиб уйланган экан. Кўп ўтмай касбидан барака топа бошлабди. Ҳозир эса ҳеч кимдан кам ери йўқ. 11 нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказган, 47 невараси бор. Кампири билан уларнинг тўйтомошаларига бош-қош.

— Ўғлим Ғайбулла этикдўз бўлмагунича ҳаётда ўз ўрнини тополмади, — дейди Меливой Абдуллаев, — Ҳатто савдо соҳасида ҳам ишлаб кўрди. Энди эса ўзининг алоҳида устахонаси бор. Эртадан-кечгача ишдан бўшамайди. Оиласи ўзига яраша тўқ. Ҳурмати жойида.

Ота-бола косибларнинг айтишларига қараганда, кейинги пайтларда буюртмалар айниқса кўпайди. Ҳатто вилоятнинг Бахмал, Ғаллаорол, Фориш районларидан уюм-уюм пойабзал олиб келишаётганмиш. Ростданам ҳозирги нарх-навода дўкондан пойабзал харид қилиш қийин. Оиласида 8—10 болани тарбиялаётган ота-онанинг бир сидра оёқ кийим сотиб олишини тасаввур қилинг-а! Бунинг устига пойабзалларнинг сифатсизлигини айтмайсизми. Тезда йиртилади, елими кўчади.

Косиб учун эса иш кўп. Шаҳардаги пойабзал тикиш ва таъмирлаш устахоналарида ишлаётган 36 нафар косиб ҳамма буюртмаларни бажаришга улгуролмаяпти.

— Тўрт ой давомида режада кўзда тутилган 50 минг сўмлик ўрнига 70,6 минг сўмлик таъмирлаш ишларини бажардик, — дейди шаҳар аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариш бирлашмаси директори Маматқул Искандаров. — Пойабзал тикиш режаси ҳам салкам 70 минг сўмга ошириб бажарилди. Аммо пойабзалини таъмирлатиш учун келаётган мижозлар кўп. Шу боис яқинда яна 4 та устахонани ишга туширдик.

Аммо вилоятнинг барча районларида ҳам маиший хизмат аҳоли талаб-истаклари, давр тақозосига биноан ташкил этилган, деб бўлмайди. Арнасой, Зарбдор районларида бор-йўғи 1 — 2 тадан пойабзал устахоналари мавжуд.

Вилоят ва районлардаги бу ишга бевосита мутасадди кишилар билан суҳбатлашганимизда, бир қатор сабабларни айтишди. Асосий сабаблардан бири — этикдўз косибларнинг етишмаслиги. Баъзан жойларда зарур асбоб-ускуна ёки устахона учун жой (бино) йўқлигини важ қилишади. Бизнингча, ҳар бир йирик корхона, хўжаликда бундай устахоналар бўлиши ўша жамоа учун фақат фойдалидир.

Косиблар муаммосини ҳам осонгина ҳал этса бўлади. Вилоят марказидаги ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида махсус гуруҳ очилган. Фақат ёшларни унга жалб эта билиш зарур. Бунинг учун косибларнинг ҳеч қачон ўзгалардан кам бўлмаганлигини, аксинча, доимо халқнинг ҳурмат-эътиборида эканлигини тушунтириш кифоя. Бу касбни танлаган ёшу қарига зарур шарт-шароит яратиш лозим.

Б. САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Халқимиз болажон халқ. Шу боисдан ҳам фарзандлар оилада ҳам, болалар масканида ҳам ҳамиша ардоқда. Бу сурат Нишон районидаги «Дўстлик» давлат хўжалигидаги «Нилуфар» номли болалар боғчасида олинган. Тайёрлов гуруҳи тарбиячиси Лола Михлиева тарбияланувчилар даврасида.
У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

15, душанба

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.40 «Бувижоним ўзлари дуру гавҳар сўзлари». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Бозор иқтисодиёти йўлида». 19.45 Телефильм. 20.15 ИИВ матбуот маркази хабар қилади. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 Узбекистон куйлагай. 21.45 «Сенинг тақдиринг учун». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

18.30 Болалар учун «Совға». 19.00 «Ассалому алайкум». 20.00 «Лаҳза». 20.10 «Миришкорлар». 20.25 «Билиб қўйган яхши». 20.40 «Лаҳза». 20.50 «Уйланиш». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5.00 «Якунлар». 5.45 «Тонг». 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Чеҳрасига бир қаранг» рукни остида. «Лелнинг қўшиқлари». Телефильм. 8.50 «Мушук Базило ва сичқонча Пик». Мультфильм. 9.00 Футбол. Европа чемпионати. Франция — Англия терма командалари. Швециядан кўрсатилади. 11.00 Янгиликлар.

13.10 Телемикст». 12.55 «Ён дафтар». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 «Ҳордиқ чиқаринг». 14.40 «Ўт илдизлари». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. — «Брукшдварис хоним ҳақида баллада». 15.55 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Оилавий низо» (Ўзбекистон). 16.00 «Стартинэйжер». 17.00 Янгиликлар. 17.20 НЭП. 17.50 Футбол шарҳи. 18.15 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Ойимнинг жазманлари». Бадиий фильм (Польша). 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Янги студия» таништиради: «Вазият». 20.40 «Спорт уик-энди». 21.00 «Янги студия» таништиради. 21.35 Г. Гендель. концерию гроссо. 22.00 Янгиликлар. 22.40 Москва триоси чалади. 23.00 Футбол. Европа чемпионати. Голландия — МДҲ терма командалари. Швециядан олиб кўрсатилади. 01.05 «Қайрилиб боқишни унутма». Телевизион бадиий фильм.

16, сешанба

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон ахбороти. 7.25 Телефильм. 7.55 «Аёллар». Бадиий фильм. 9.35 Ўзбек тилини ўрганамиз. 10.05 «Ёшлик». 10.50 «Фан ва деҳқончилик».

18.00 Янгиликлар. 18.10 «Ёшлик» оқшоми. 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Ҳуқуқ ҳаётимизда». 19.50 «Спортлото». 19.55 «Мерос». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Ҳукумат тадбирлари. 21.20 «Мерос». 22.20 «Оролга сайр». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

18.30 «Субҳидам». 19.30 Бевосита мулоқот. 20.30 «Етуклик». 21.40 Реклама.

● «ОРБИТА IV»

5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли бадиий тильм премьераси. 9.05 Футбол. Европа чемпионати. Шотландия — Германия терма командалари. Швециядан кўрсатилади. 11.00 Янгиликлар.

13.30 «Ишсизларга ким ёрдам беради?». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.25 «Бу бўлган, бўлганди...». 14.45 «Ўт илдизлари». Телевизион бадиий дильм. 2-серия.— «Мальвина буви ҳақида баллада». 15.50 «Ёшлигимизда ҳавас қилган спортчилар». В. Старшинов. 16.20 «440 герц». Ўсмирлар учун мусиқий кўрсатув. 17.00 Янгиликлар. 17.25 Қишлоқ хроникаси. 17.55 «Бегона уруш». Афгонистон уруши оқибатлари ҳақида. 18.15 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 19.00 «Хайрлашаётиб сизга айтсам...». С. Образцов. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.25 «Сиртмоқда». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия («АЛЬКО» студияси). 21.30 «Беш халқа». 22.00 «Лужинкида» юлдузлар кечаси. Танаффус пайтида — (23.00) Янгиликлар.

17, чоршанба

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Куйла, дуторим». 7.50 «Меҳрибон одамлар орасида». Бадиий фильм. 9.10 Араб тили. 9.40 «Ёшлик». 10.25 «Келажагимиз мактабда».

17.50 Янгиликлар. 18.00 Осиё кубоги. Тожикистон — Ўзбекистон терма командалари. Танаффус пайтида — «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида) .19.50 «Меъморчилик — маданиятимиз кўзгуси». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Шаҳар бедарвоза эмас». 21.40 «Ижод саҳифалари».

● ЎзТВ II

10.30 «Қадрдон соҳил». 11.00 «Сирли сандиқ». Й. Охунбобоев номидаги Республика ёш томошабинлар театрининг спектакли. 12.05 «Семурғ». Бадиий фильм.

18.30 «Уолт Дисней таништиради...». 19.20 «Спринс». 19.40 «Рақслар, рақслар». 20.25 «Ишбилармонлар». 21.10 «02» тўлқинида». 21.30 «Архидея» вилласи». Бадиий фильм.

● «ОРБИТА IV»

5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 9.50 Мультфильм. 10.00 «Тарих босқичлари» рукни остида. «Советлар саройи». Илмий-оммабоп фильм премьерасу («Екатеринбург» киностудияси). 10.20 «Уй». Кекса авлод анъаналари ҳақида. 11.00 Янгиликлар.

13.00 «Телемикст». 13.55 «Ён дафтар». 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 «Шам ёниб бўлгунча». Телеочерк. 14.50 «Худди шундай бўлади». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 16.00 «Рок-макс». 17.00 Янгиликлар. 17.20 П. И. Чайковский номли I халқаро ўсмирлар танловининг кундалиги. 17.40 «Коммунизм шарпаси учун допинг». 18.15 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 19.00 «Мавзу». 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.25 «Сиртмоқда». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 «Фермата». Ахборот-мусиқий кўрсатув. 21.50 «Қора қути». 22.20 «Илҳом чашмалари». «Еленанинг нафосати». (Мусаввир Е. Романова ҳақида). 23.00 Янгиликлар. 23.25 Мусиқада шеърият.

18, пайшанба

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Қадрдонлар кўчаси». 7.55 «Дипломли қассоб». Бадиий фильм. 9.00 Турк тили. 9.30 «Меҳнаткашлар манфаати йўлида».

18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.30 «Алифбо сабоқлари». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Пахтакорларнинг долларб вазифалари». 19.50 «Жума оқшоми». 20.30 «Ўзбекистон ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 „ «Ҳукумат тадбирлари». 21.30 «Мақом тарихидан». 22.20 «Муҳаббат мажароси». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

18.30 «Кулиб боқ, кичкинтой». 19.25 «Мусиқали меҳмонхона». 20.00 «Пульс». 20.10 «Бу оқшомда». 21.40 «Пульс». 21.50 Реклама.

● «ОРБИТА IV»

5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 Эрталабки гимнастика. 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 9.50 Мультфильм. 10.00 Футбол. Европа чемпионати. Швеция — Англия терма командалари. Швециядан кўрсатилади. Танаффус пайтида — 11.00 Янгиликлар. 12.20 «Телемикст». 13.05 «Ён дафтар». 13.10 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 13.55 Кўрсатувлар тартиби. 14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 14.20 «Худди шундай бўлади». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 15.25 «Бугун ва ўша пайтларда». 15.55 Болалар учун фильм. «Арслоннинг саргузаштлари». 1-серия. 17.00 Янгиликлар. 17.25 Футбол. Европа чемпионати. Франция — Дания терма командалари. Швециядан кўрсатилади. 19.05 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.25 «Кинопанорама». 21.30 Эстрада қўшиқлари ёш ижрочилари «Ялта-92» VII телевизион танлови таништирилади. 22.00 Янгиликлар. 22.40 «Доброгост». Телефильм. 23.00 Футбол. Европа чемпионати. Шотландия — МДҲ терма командалари. Швециядан олиб кўрсатилади. 01.05 «Лимпопо». 01.35 «Овозли йўлка». «ТВ версия».

19, жума

● ЎзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 7.25 «Муножат». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»). 8.05 «Шоқол учун қопқон». Бадиий фильм. 9.25 Ўзбекистондаги иқтидорли болаларнинг биринчи кўриги натижалари. 9.55 «Ёшлик». 10.40 «Муҳофаза».

18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.30 «Гулғунчалар». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти». (рус тилида). 19.20 «Замин саховати». 19.50 «Лола» ҳиди». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 20.55 Тижорат хабарлари. 21.00 «Ўзлигинг намоён қил». 22.30 «Тўйлар муборак». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

17.40 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ.

● «ОРБИТА IV»

5.00 Янгиликлар. 5.35 «Тонг». 7.50 Эрталабки гимнастика 8.00 Янгиликлар. 8.20 «Бойлар ҳам йиғлайди». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 9.00 «Кинопанорама». 10.05 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан). 11.00 Янгиликлар. 11.20 Футбол. Европа чемпионати. Голландия — Германия терма командалари Швециядан кўрсатилади. 13.15 «Бирдж». 13.40 «Бизнес класс». 13.55 «Ён дафтар». 14.00 Янгиликлар. (сурдо таржимаси билан). 14.20 «Кутамиз, қайтиб кел...». Телевизион бадиий фильм. 15.45 «Кичкинтой Гиппонинг саргузаштлари». Мультфильм. 15.55 Болалар учун фильм. «Арслоннинг саргузаштлари». 2-серия.

17.00 Янгиликлар. 17.25 «Инсон ва қонун». 17.55 «Етимча Энни». Мультфильм. 18.05 П. И. Чайковский номли I халқаро ўсмирлар танловининг кундалиги. 18.25 «ТВ-Нева»: «Ким биз билан?». 18.45 «Ленненберглик Эмиль». Болалар учун кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 10-серия. 19.10 «Аёл театрда». Ярославль фестивали. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.25 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони». «Музобоз», «Ҳордиқ чиқаринг», «Хит-конвейэр», «Сиёсий бюронинг сайёр мажлиси». Танаффус пайтида — (23.00) Янгиликлар. 00.15 «Видиодром».

20, шанба

● ЎзТВ I

7.00«Ассалому алайкум». 8.00 «Буни биз ўтмаганмиз». Бадиий фильм. 9.40 «Саёҳат — танга роҳат». 10.10 Ҳужжатли экран». 11.10 «Оқ йўл». 11.55 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Омад». 12.10 Сув — ҳаёт мезони». 12.40 «Ёдома». 13.25 «Ёшлик».

17.00 Футбол. «Пахтакор» — «Сўғдиёна» (Жиззах). 18.50 «Аралаш». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 Тижорат канали. 19.45 «Халқ ижодиёти». 20.30 «Туркистон» ахбороти. 21.00 Телевизион миниатюралар театри. 21.45 «Дастлабки тергов». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

12.10 АШГАБАТ КЎРСАТАДИ.

17.30 БИШКЕК КЎРСАТАДИ.

● «ОРБИТА IV»

5.55 Ишбилармон кишининг шанба тонги. 6.55 Янгиликлар. 7.30 Эрталабки гимнастика. 7.40 Кўрсатувлар тартиби. 7.45 «Спорт ҳамма учун». 8.15 «Мусиқий чолғулар ва уларнинг тарихи». Кўп серияли илмий-оммабоп фильм премьераси. 3-серия. 8.45 «Қандай қилиб муваффақиятга эришиш мумкин?». 9.00 «Труба» радиоси». Дам олиш кўрсатуви. 9.30 «Марказ». 10.10 «Сиз бунга қодирсиз». 10.50 «Тиббиёт сиз учун». 11.30 Сердаромад жой. 12.20 Мультфильм. 12.30 «Немислар иккинчи жаҳон урушида». Телефильм премьераси. 2-фильм.

14.00 Янгиликлар. 14.25 «Омад». 15.20 «Ҳайвонот оламида». 16.20 «Қизил квадрат». 17.00 «Гулжаҳон». Мультфильм. 17.10 И. А. Гончаров. «Оддий воқеа». Москва «Современник» театрининг фильм-спектакли. 19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.00 Янгиликлар. 20.25 «Яраланган замин акс-садоси». 21.25 «Учувчи стюардесса». Телевизион бадиий фильм. премьераси. «Нодир асарларнинг ишқивозлари» туркумидан. 22.25 «Оқим». Телефильм. 23.00 Янгиликлар. 23.35 «Жиголо ва Жиголетта». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм.

21, якшанба

● ЎзТВ I

7.00 «Субҳидам». 8.00 «Министр бўлишни ҳоҳлайман». Бадиий фильм. 9.30 Хоразм телевидениеси кўрсатади. 10.00 «Оналар мактаби». 10.30 «Ўйла, изла, топ». 11.55 «Шоҳруҳ клуби». 12.25 «Буюк қалбли Монас». Қирғизистон миллий академик драма театрининг спектакли. 14.25 «Бизга мактуб йўллабсиз». 14.55 «Замандас».

18.00 Йўлдаги ҳангома». Мультфильм. 18.10 «Кичкинтой» устахонаси». 18.35 «Фикрлар тўқнашганда». 19.00 «Узбекистон» ахбороти (рус тилида) .19.20 «Қўлёзмалар — нодир хазиналар». 19.45 «Сиҳатсаломатлик». 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубовнинг янги қўшиқлари. 21.50 «Қайтишни ҳаёлдан чиқаринг». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

8,05 БИШКЕК КЎРСАТАДИ.

● «ОРБИТА IV»

5.25 Руҳни чиниқтириш. 6.15 Ритмик гимнастика. 6.55 Янгиликлар. 7.30 «Спортлото» тиражи. 7.45 «Камалак» халқ ижодиёти телекўрсатувлари IX халқаро фестивали. «Фолькфолкьлор (Чехо-Словакия). 8.20 «Эрта саҳарлаб». 9.00 «Ҳамма нарса бўлиши мумкин». 9.30 «Тонг юлдузи». 10.20 «Ўз-ўзингга мадад бер». 10.50 А. Синявский ва Ю. Даниэль ижоди ҳақида телефильм премьераси. 11.50 «Марафон-15». 12.30 Янги гармон. 13.00 «Ёввойи табиат қўриқхоналари» туркумидан. Телефильм премьераси. 4-фильм. 13.30 «Марк ва Софи». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-фильм. 14.00 Янгиликлар. 14.15 «Саёҳатчилар клуби». 15.05 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. «Хотин хушмада қиляпти — яхшиликка бўлмаса керак» (Франция). 15.10 П. И. Чайковский номли I халқаро ўсмирлар танловининг кундалиги. 15.30 «Уолт Дисней таништиради...». 16.20 Эфирда бевосита мулоқот. 17.00 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув. 17.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.00 «Нима? Қаерда? Қачон?». 19.00 «Энхауз жумбоғи». Бадиий фильм. («Мосфильм»). 21.00 «Якунлар». 21.45 «Оби-ҳаёт» клуби». Мусиқий кўрсатув. 22.30 «Телелоция». 22.45 В. А. Моцарт. 15-симфония. Соль мажор. «Виртуози Москви» Давлат камер оркестри ижро этади. Дирижёр — В. Спиваков. 23.00 Янгиликлар. 23.20 «Қуёш номли юлдуз». В. Цой туғилган куннинг 30 йиллигига бағишланган концерт.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА
КЎРИНГ
15 – 21 июнь

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА ДОРИЛФУНУНИ

1992 — 1993 ўқув йили учун кечки (к) ва сиртқи (с) таълимнинг биринчи курсларига қуйидаги йўналишлардаги ихтисосликлар бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. ГЕОЛОГИЯ ВА ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМАЛАРНИ ҚАЗИБ ОЛИШ

08.01. — Геологик тасвир олиш, конларни излаш ва қидириш (с).
08.02.— Конларни излаш ва қидиришнинг геофизик услублари (с).
08.04.— Гидрогеология ва инженерлиқ геологияси (с).
08.05.— Нефть ва газ геологияси (с).
09.07. — Нефть ва конларни қазиб олиш ва улардан фойдаланиш (с).
09.08.— Нефть-газ қувурлари ва газ нефть омборларини лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланиш (с).
09.09,— Нефть ва газ қудуқларини бурғулаш (с).
10.04.— Электр билан таъминлаш (кончилик корхоналари учун) (с).
17.01,— Кон машиналари ва ускуналари (с).

2. ЭНЕРГЕТИКА

10.01.— Электр станциялари (с).
10.02.— Электр-энеретика тизимлари ва тармоқлари (с).
10.04. Электр билан таъминлаш (соҳалар бўйича (с).
10.07.— Саноат иссиқлик энергетикаси (с).
18.01.— Электромеханика (с).
18.03.— Электр изоляцияси, кабель ва конденсаторлар техникаси (с).
21.05 — Саноат технологик мажмуи қурилмаларини автоматлаштириш ва электроюритгичлар (с).

3. МАШИНАСОЗЛИК

12.02.— Металларни қирқиш станоклари ва асбоб-уску налари (к).
12.05.— Пайвандлаш ишларининг технологияси ва жихозлари (к).
13.01.— Самолётсозлик ва вертолётсозлик (к).
15.01.— Ички ёнув двигателлари (к).
15.02.— Автомобиллар ва тракторлар (к).
15.03.— Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги (к).
16.03.— Паст ҳароратлар физикаси ва техникаси (к).
17.06.— Озиқ-овқат ишлаб чиқариш машиналари ва аппаратлари (с).

4. ЭЛЕКТРОНИКА, АВТОМАТИКА ВА ҲИСОБЛАШ ТЕХНИКАСИ

20.03.— Микроэлектроника ва ярим ўтказгич асбоблар (к).
21.03.— Технологик жараёнларни ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (с).

5. ИҚТИСОДИЙ МУХАНДИСЛИК ВА БОШҚАРУВ (МЕНЕДЖМЕНТ)

07.16.— Ишлаб чиқаришни ташкил этиш (к. қисқартирилган).

6. ОЛМАЛИҚ ФАКУЛЬТЕТИ

09.03.— Фойдали қазилмаларни бойитиш (к).
09.05.— Очиқ кончилик ишлари (к).
11.02.— Рангли металлар металлургияси (к).
17.01.— Кон машиналари ва ускуналари (к).
17.05— Кимё ва қурилиш корхоналари машиналари ва аппаратлари (к).
21.05.— Саноат технологияси мажмуйи ва қурилмаларини автоматлаштириш ва электрюритгичлари (к).

7. АНГРЕН ФАКУЛЬТЕТИ

09.02.— Фойдали қазилмаларни ер остида қазиб олиш (к).
09.05.— Очиқ кончилик ишлари (к).
10.04.— Электр билан таъминлаш (соҳа бўйича), (к).
10.05.— Иссиқлик электр станциялари (к).
17.05.— Кимё ва қурилиш корхоналари машиналари ва аппаратлари (к).

8. АНДИЖОН ФАКУЛЬТЕТИ

12.01.— Машинасозлик технологияси (к).
12.03.— Металл қуйиш машиналари ва технологияси (к).
12.05.— Пайвандлаш ишларининг технологияси ва жихозлари (к).

9. ЧИРЧИҚ ФАКУЛЬТЕТИ

12.01— Машинасозлик технологияси (к).
12.04.— Металларга босим билан ишлов бериш машиналари ва технологияси (к).
17.05.— Кимё ва қурилиши корхоналари машиналари ва аппаратлари (к).
21.03.— Технологик жароёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (к).
21.05.— Саноат технологияси мажмуйи ва қурилмаларини автоматлаштириш ва электрюритгичлари (к).

10. ҚАРШИ ФИЛИАЛИ

09.07.— Нефть ва газ конларини қазиб олиш ва улардан фойдаланиш (к).
09.09.— Нефть ва газ қудуқларни бурғулаш (к).
10.05.— Иссиқлик электр станциялари (к).

11. НАВОИЙ ФИЛИАЛИ

06.02.— Ишлаб чиқариш иқтисодиёти ва бошқаруви (к).
10.04.— Электр билан таъминлаш (к).
12.01.— Машинасозлик технологияси (к).
16.05.— Кимё саноати машиналари ва аппаратлари (к).
17.01.— Кон машиналари ва ускуналари (к).
21.05.— Саноат технологияси мажмуйи ва қурилмаларни автоматлаштириш ва электрюритгичлари (к).

12. БУХОРО ФИЛИАЛИ

16.03. — Паст ҳарорат техникаси ва физикаси (к).
20.05 — Саноат электроникаси (к).

ҚАБУЛ ШАРТЛАРИ

1. Дорилфунунга кирувчилардан аризалар қуйидаги муддатларда қабул қилинади: кечки ва сиртқи таълимга 10 июндан 10 июлгача.

ЭСЛАТМА: Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун халқ хўжалигининг барча соҳаларида хизмат қилаётган шахслар қабул қилинади.

2. Қабул комиссиясига топширилиши керак бўлган ҳужжатлар: ариза, ўрта маълумоти тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, 086-У нусҳасидаги тиббиёт маълумотномаси, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, 3х 4см ўлчамли 6 та фотосурат. Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади. Ўқишни 1992 йилда битириб, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишга кираётганлар аризага қўшимча равишда иш жойидан маълумотнома топширадилар.

3. Кириш имтиҳонлари қуйидаги муддатлардан ўтказилади:
— кечки ва сиртқи таълим учун 10 июлдан 25 июлгача.

4. Дорилфунунга кириш учун 3 та фандан имтиҳон топшириш белгиланган: уларнинг ҳаммаси танловли бўлиб имтиҳон натижалари 5 («беш»), 4 («тўрт»), 3 («уч») ва 2 («икки»)га баҳоланади.
Математика — ёзма.
Физика — оғзаки.
Она тили, адабиётдан — диктант

5. Ўрта мактабни олтин (кумуш) медаллар, ўрта махсус ўқув юртлари ёки ўрта-ҳунар-техника билим юртларини имтиёзли дипломлар билан тугатган абитуриентлар (фақат) математикадан ёзма имтиҳон топширадилар.

Имтиҳонлардан «беш» баҳо олган абитуриентлар қолган имтиҳонлардан озод этиладилар, «тўрт» ёки «уч» баҳо олган абитуриентлар қолган имтиҳонларни ҳам топширадилар. Агар абитуриентлар ўрта маълумот асосида ҳунар-техника билим юртини имтиёзли диплом билан битирган ва ўзлари эгаллаган ихтисосни танлаган бўлсалар юқорида қайд этилган имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар.

ЭСЛАТМА: 07.16. «Самолётсозликни ташкил этиш» ихтисоси бўйича қисқартирилган кечки бўлимга махсус ўрта таълим билим юртларини битирган саввяли ишчилар, усталар, катта усталар, цех бошлиғи муовинлари, тўлиқ олий маълумотга эга бўлмаган, мутахассислик бўйича камида уч йил ишлаган шахслар қабул қилинади.

Ушбу ихтисосликка ўқишга меҳнат жамоаси йўлланмаси билан, кириш имтиҳонларисиз, суҳбат натижалари асосида, дорилфунунда ўқитиладиган фанларни ўзлаштириш қобилиятига эга бўлган шахслар қабул қилинади.

7. Дорилфунун талабалари сафига имтиҳонлар натижасига қараб, умумий танлов асосида қабул қилинади.

Кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган абитуриентлардан қуйидагилар имтиёзли қабул қилиниш ҳуқуқига эга:
— ҳарбий хизматдан истеъфога чиққанлар ва давлат томонидан бериладиган имтиёзлар ҳақидаги гувоҳномага эгалар;
— етим, қаровсиз қолган абитуриентлар.

8. Кириш имтиҳонлари ўрта мактаб ҳажмида тузилган дастур асосида қабул қилинади.

Қабул бўйича қўшимча маълумотларни қабул комиссиясидан олиш мумкин.

Кундузги бўлимга қабул ҳақида қўшимча эълон берилади.

Қабул комиссиясининг манзилгоҳи: 700095, Тошкент шаҳри, Университет шаҳарчаси, Университет кўчаси, 2-уй, 209-хона.
Телефон 46-61-17.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг жамоаси масъул ходими М. Н. Хўжаевага онаси

Ойша ЮСУПЖОНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат Аграр дорилфунуни ректорати ва касаба уюшмаси қўмитаси фалсафа кафедраси доценти М. Х Холматовага отаси

Ҳайдар ХОЛМАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ГУРУНГ

● Қалб туғёни — шеърнят мухлисларига

● «Муборак ҳаж сафари» рисоласи китоб жавонингиз тўридан жой олиши шубҳасиз.

● Ҳақли талаб

● Қинғир ишнинг қийиғи.

ШУ КУНЛАРГА ЕТКАЗГАНИГА ШУКУР

● Нуруллохон ҳожи Абдуллохон Қўқондийнинг «Камалак» нашриётида чоп этилган «Муборак ҳаж сафари» китобини ўқир экансиз, кейинги йилларда эрк, имон ва виждон шабадаси гоят теран эсаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Ҳа, 5—6 йил муқаддам бундай китоб, рисолани чоп этиш, ўқиш мушкул эди.

Наршахийнинг «Бухоро тарихи»ни мутолаа қилар-канман, унинг муқаддимасидаги «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм» жумлаларини эшитиб, онамнинг кўзларидан ёшлар оққанди. Шу муборак кунларни кўрганида қани эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 1990 йил 2 июндаги «Мусулмонларнинг Саудия Арабистонига ҳаж қилиши тўғрисида»ги Фармонини эшитса бўлмасмиди! Ҳар йили бир неча минглаб мусулмонларнинг муборак ҳажга отланишлари, «ойнаи жаҳон» орқали Байтуллоҳ ҳақида, ҳаж арконлари хусусида, Расулуллоҳ дафн қилинган ҳужраи саодатни зиёрат этиш ҳақидаги кўрсатувларни томоша қилиш насиб этмади! Ҳажга отланганларнинг қувончларига шерик бўлишдан бебаҳра қолди?! Лекин афсус чекмаслик ҳам керак. Ота-оналарга насиб этмаган муборак кунлар уларнинг фарзанд, невара ва чевараларига буюрди. Худди шу кунларга етказганига ҳам шукур!

«Муборак ҳаж сафари»ни мутолаа қилган ҳар бир ўқувчида шундай таассурот қолиши табиий. Жумладан, Моваройнаҳр мусулмонлари диний бошқармаси раиси, муфтий Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари ҳам «Китоб одоб билан битилган. Муаллиф саудиялик ватандошларимиз исломий қадриятларни, ўзбекона одобахлоқни эъзозлаб, авайлаб келишаётганлигини таъсирли баён қилган», деб ёзади.

Шайх Нўъмон Тошкандий китобни «Кўп савобли ва хайрли» иш сифатида баҳолайди. «Муқаддас Ватан — Туркистон тупроғини зиёрат қилиб юрган чоғларимда, — деб ёзади у, — эшитганларимнинг барчаси муболағасиз, айни ҳақиқат эканлигининг гувоҳи бўлдим. Мазкур сафарномада бизнинг ҳаёт тарзимиз, турмушимиз, урф-одатларимиз, тилимиз, мамлакатда тутган ўрнимиз кенг кўламда ёритилиб берилганлиги диққатга сазовордир».

Нуруллохон ҳожи Абдуллохон Қўқондий китобидан «Дийдор», «Муборак ҳаж сафари», «Ватандин яхши ёр ўлмас» деб номланган сафарномалари ўрин олган.

● МУТОЛААДАН СЎНГ

Уларнинг ҳар бирини ҳаяжонсиз ўқиш мушкул. Жумладан, ҳожиларга раҳбар бўлиб келган Абдулҳаким Халифа Исмоилийнинг Қўқондаги Жомеъ масжидида ҳайит намозидаги сўзларини тингланг:

— Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Ассалому алайкум, азиз юртдошларим, жигарларим. Аввало, улуғ айём — ийди рамазон барчаларингизга муборак бўлсин. Бизни сиз, ватандошлар билан дийдор кўришга муяссар этган Аллоҳ Таолога шукроналар айтамиз. Бу қутлуғ кунда қибламиз бўлмиш муборак Байтуллоҳ қарор топган жойдан, пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи васаллам дунёга келган, Қуръони карим нозил бўлган юрт — Саудия Арабистонидан паноҳ топган 400 мингдан ортиқ туркистонлик юртдошларнинг саломини қабул қилгайсизлар.

Муборак ҳаж сафари ҳақида ҳикоя қилувчи сафарномада муаллифнинг турмуш тарзи, ота-онанинг рўзғор ташвишлари борасидаги қийинчиликлари, барча машаққатларни ортда қолдириб, ўз мақсади йўлида интилишлари холис, рўй-рост ва ҳаяжон билан ҳикоя қилинади. Ҳаж сафарига йўл олаётган сонияда онанинг «Сафаринг муборак бўлсин, соғ-саломат дийдор кўришишимизни парвардигор насиб этсин. Байтуллоҳга бош урганингда бизнинг гуноҳларимизни ҳам кечиришини яратган эгамдан сўра» дея кўзи ёш тўла берган фотиҳасининг ўзи олам-олам мазмунга эга.

Сафарномада муқаддас ҳаж сафари хусусидаги ибратли ҳикоялар, учрашувлар, суҳбатлар ҳам ўрин олган. Айниқса, Маккаи Мукаррамадаги Байтуллоҳга кириш эшиклари, Байтуллоҳни тавоф қилиш, Байтуллоҳда намоз ўқилаётган ҳолат, Байтуллоҳ тавоф қилингач, обизамзам ичиш маросими, Байтуллоҳдаги ҳажарул-асвод, Мино билан Арофат оралиғидаги йўл, Арофат тоғ — муқаддас маскан, ҳожиларнинг шайтонга тош отиш ҳолатлари, Арофатдан сўнг Байтуллоҳни тавоф қилиш маросими, Макка ва Мадина шаҳарлари оралиғидаги йўл, пайғамбаримизнинг Мадинадаги масжидлари ва бошқа суратлар ўқувчида катта таассурот қолдиради.

Умуман, яқинда ўзининг ярим асрлик тўйини нишонлаган Нуруллохон ҳожи Абдуллохон Қўқондийнинг «Муборак ҳаж сафари» китоби ҳар бир мўмин-мусулмон хонадонининг тўрисидан муносиб ўрин олиши ва завқшавқ билан ўқилиши, шубҳасиз. Шундай муборак кунларга етказганига шукур!

Мирза КАРИМ.

● *Ўзбекистон халқ шоири Ойдин ҲОЖИЕВА ижодхонасида*

ДИЛ СЎЗИМ

Мен бир вақт болаларимизнинг суюкли ойномаси — «Гулхан»да муҳаррир бўлиб ишладим. Сўнгра бошқа юмушларга кетиб қолдим. Лекин шунда кўнглимдан бир гап ўтган эди. Ўша журнални удда қила олдимми-йўқми — бу бир масала, иккинчиси, бу ерга ким келар экан, деган гап эди. Ойдин Ҳожиева муҳаррир этиб тайинланганини эшитганимда ниҳоятда қувондим. Негаки, бундоқ болажон, меҳрибон, ширинзабон, яхши шоира худди шу жойга айнан муносиб эди.

Шоира, бу — она, латофат, бу — назокат ва зарофат. Мен шу ўринда Ойдин Ҳожиевани эллик ёши билан муборакбод этар эканман, барча шоираларимизга қуйидагича мурожаат қилмоқчиман. Жонажон сингилларимиз ва қизларимиз, барчангизни, яъни Зебуннисодан тортиб, бугунги тўй эгаси Ойдинхонгача улуғлаган унутилмас инсон Тўхтасин Жалоловнинг хотирасини яхши кунларда йўқлаб қўйсангизлар ғоятда савоб иш қилган бўлур эдингизлар. Бу — менинг дилдан чиққан қарз гапим.

Шоираларимиз қайси даврларда, қайси мақомда ижод қилмасинлар, улар бизга энг аввало она ва сингилдирлар. Ўзи-ку оти Ойдин. Унга исм қўйган ота-онасига ва шоирага ойдин йўл тилаб, қўллаб-қувватлаётганларга минг раҳмат!

Абдулла ОРИПОВ.

Суратда: О. Ҳожиева таниқли мўғул шоираси ва жамоат арбоби Сономин Удвал билан.

ОЙДИН

ЭЛ ҚИЗИ СУВРАТИГА ЧИЗГИЛАР

— Сизлар шеърни гуллатсангиз бўлди. Биз ерни гуллатаверамиз.
Саломат ҒАНИЕВА сўзидан.

Ёқалашиб юрар хил-хил гуруҳлар,
Ғоҳи шон талашиб, ғоҳ нон талашиб.
Улар ўз жонлари учун қўрқмас,
Тожу тахт талашиб, даврон талашиб.

Уйдаги сирлари қалқиб кўчага,
Майиб-мажруҳларни майдонга бошлаб,
Шнор ёпиштириб ҳатто почага,
Эҳсонсевар эл бор — кўзларни ёшлаб.

Қишлоқлари қолган тамбада, михда,
Аҳли — тентиб юрар, бўғзида — ҳитоб.
Гул эмас, дон сочмас, ҳаёли — ўқда,
Жаннатдай боғлари ётар чиғилтоб.

Еб тўймас оғзини карракдай очиб,
Жаҳонга қўлларни чўзгай бембо.
Иш деса, пабига ўчуқлар тошиб,
Мойли маконларни излар доимо...

Сен эрса офтоб нишламай туриб,
Аллоҳ деб ёстиқдан кўтарасан бош.
Дуойи давлатинг сеҳрида эриб,
Сенга ризқ илинар чечак бирла тош.

Сен қадим уруғнинг экаверасан,
Сел босар, дўл урар гул боғларингни.
Сен қора тупроққа тикаверасан
Тирикликнинг яшил байроқларини.

Шафтоли гулидан тиниқ юзларинг
Чармдай қотадур ёз шамолида.
Тошқин дарёлардан тошқин ҳислларинг
Сингар илдизларинг шира-болидай.

Ота мерос, дейсан, касбу корингни,
Бошингга тушгани дейсан, худодан.
Дилдаги доғингни, заҳру зорингни
Бир ўзинг биласан, мардона одам!

Сен элга бош эдинг, ёшга-ёш эдинг.
Катталарга — улуғ, фақирга — фақир.
Атала ичинда бир кун тош эдинг,
Ул бўҳтон тошидан ўртанди бағир.

Эгмоқчи эдилар элнинг бошини,
Кўзининг ўтини олмоқчийдилар.
Тўкис бошоқларин дурдай бошини
Қайчилаб, аросат солмоқчийдилар...

Узр, ярангизга туз сепдим чоғи,
Опажон, бу гаплар қолсин тушлардай.
Бугун далангизга барака ёғиб,
Ғўзалар унибди тўти қушлардай.

Майлига, жонингиз бўлгай Саломат,
Сизга тақдир қилган шу ёбон билан.
Эгачи-сингилдай бўлибсиз пайванд,
Ҳожайн Жаҳон — бул Ғиждувон билан.

Ҳунарманду косиб, заргар эл билан —
Бир ёқа-енг бўлиб улгайган жонсиз.
Девни ҳам эл қилган ширин тил билан
Фидойи, ҳокисор Узбекистонсиз.

Истиқлолнинг қайсар шабадалари
Юзингизга тегиб ўтса ҳар саҳар.
Кўзингизда ҳурлик ифодалари,
Дейсиз: — Мутаъликдан асра, алҳазар!

Оллоҳнинг мунаввар нури бу тупроқ,
Худо ярлақаган миллат бўламиз!
Шоирлар сўз айтса орзудай порлоқ,
Биз-чи, биз тупроқни гуллатаверамиз!

ШУКРОНА

БМТ биноси олдида мустақил Ўзбекистон байроғи ҳилпиради.

Сени озод, ҳур кўрдим,
Кўксингда нур-ан нур
кўрдим,
Уз тахтингга мазнур кўрдим,
Улсам энди армоним йўқ.

Неча йиллар тўти бўлдим,
Ғафлатларга ботиб ўлдим,
Эркинг-ла қайта туғилдим,
Улсам энди армоним йўқ.

Мошдай очилди кўзларим,
Офтобни кўрди юзларим,
Эрди асрий музларим,
Улсам энди армоним йўқ.

Заъфарон бўлган ботиним,
Руҳга қайтган салотиним,
Имон деган бир олтиним,
Улсам энди армоним йўқ.

Ризқинг дарёдай шарқираб,
Етти қоқанг етти тараф
Очилди бирдан яркираб,
Улсам энди армоним йўқ.

Қўл берган пирларинг қайтди,
Меҳри мунирларинг қайтди,
Буюк Темурларинг қайтди,
Улсам энди армоним йўқ.

Ватанфидоларинг қайтди,
Сен деб адоларинг қайтди.
Унут садоларинг қайтди,
Улсам энди армоним йўқ.

Ҳадяли, тортғули Ватан,
Одамга тануғли Ватан
Ёқали тўн, туғли Ватан,
Улсам энди армоним йўқ.

Найдай бағри чоким элим,
Шоҳаншоҳим, оҳим элим,
Уйғонган гумроҳим элим,
Улсам энди армоним йўқ.

Нишхўрт бўлган гилим
маним,
Читиргулли чўлим маним,
Эй, ўзбаки тилим маним,
Улсам энди армоним йўқ.

Иброҳимдай пайғамбарим,
Малоҳатим — дил гавҳарим,
Муҳаббатим — кабутарим,
Улсам энди армоним йўқ.

Отам, онам жигаргўшам,
Қадрим, аслим, юз андишам,
Байрамингга жоним қўшан,
Улсам энди, армоним йўқ.

ТУҲФА ЭТИЛГАН ҒАЗАЛ

Агар хайру савоб ўлсам,
Бўлур осмон Бухоро ҳам,
Ки мен ҳоки туроб ўлсам,
Бўлур гирён Бухоро ҳам.
Қаён борсам, жаҳон ичра
Борур ул ён Бухоро ҳам,
Сўраб бахтим сомон бўлсам,
Бўлур сомон Бухоро ҳам.
Ниҳолим, мунисим, дардкаш,
Танамда қатраи жонсан,
Ғанимга ўқ узар бўлсам,
Бўлур комон Бухоро ҳам.
Шаҳидон сарвари дўстон,
Ҳожайн Бўстон Бухоро ҳам,
Вапиюл комили аъзам,
Олийул унвон Бухоро ҳам.
Басе забу бу зийнатлар
Хасу хошок бўлур Ойдин,
Сенга мулки худодин ганж —
Халқи раҳмон Бухоро ҳам.

ИЖОБАТ

Ҳамма ерга кўкдан нур ёғилади. Хожа Султон Боязид Бистомий ётган жойнинг ўзидан Оллоҳ қудрати билан нур таралиб тураркан. Сўфийлар тариқатида айтилишича, тупроқ Оллоҳнинг мунаввар нури экан.

Бистомий Хожа Султон,
Сизга гузар топдим,
Нури назар топдим,
Юрагим нурга тўлди.

Дуогўй пири хўбон,
Оллоҳга етди додим,
Етти пуштим, авлодим,
Палагим нурга тўлди.

Тушимда кўрдим аён:
Омонат жоним билан,
Тақдиржумоним билан,
Тилагим нурга тўлди.
Руҳимга инди ризвон,
Дастурхондаги ноним,
Охурдаги сомоним,
Кепагим нурга тўлди.

Зиёрат бўлди шоён:
Бу туш на хуш, қутлуғ туш,
Ҳосиятли, қутлуғ туш, —
Миллатим нурга тўлди.

Дардмандим — Узбекистон,
Умринг савобга ботгай,
Толеинг тонгги отгай,
Пиримдан дуо бўлди:
Элатим нурга тўлди.

СПОРТ

ИИРИК ҲИСОБЛАР

● ОЛИЙ ЛИГА футбол жамоаларининг Ўзбекистон чемпионати 16-тур ўйинларида йирик ҳисоблар қайд қилинди.

Биринчи миллий чемпионатнинг дастлабки давраси ўйинларини муваффақиятли якунлаб, довон ошишда астойдил ҳаракат қилаётган футболчилар мухлисларни мамнун этишга интилмоқдалар. Кучли ўнликдан жой олишга даъвогарлар сафи кенгайиб бормоқда. Навбатдаги учрашувларда юқори ўринларни эгаллаб келган жамоалар мавқеларини янада мустаҳкамлашди. Икки ўйинда бир хил ҳисоб қайд этилди. Жумладан, Нурафшончилар «Орол» жамоасини, навбаҳорчилар «Трактор» футболчиларини 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратишди. Яна тўртта учрашувда ҳам бир хил ҳисоб (3:0) ёзилди. Чунончи, «Мароқанд» — «Пахтакор-79», «Сўғдиёна» — «Шаҳрихончи» жамоалари ўйинида майдон эгалари устун келишган бўлса, «Янгиер» — «Пахтакор», «Кимёгар» — «Нефтчи» футболчилари учрашувида меҳмонлар ғалаба қозонишди. «Наврўз» — «Чирчиқ» (1:1) ҳамда «Темирйўлчи» — «Косонсойчи» (2:2) ўйинлари дуранг бўлди.

ЎЙИНЛАР ЖАДВАЛИ

	Ю	Д	М	Т	О
Пахтакор	10	2	2	30-9	22
Нефтчи	9	3	2	26-6	21
Сўғдиёна	9	1	4	19-10	19
Навбаҳор	7	5	3	22-10	19
Нурафшон	7	5	2	20-10	19
Темирйўлчи	7	4	3	19-9	18
Наврўз	6	6	3	19-16	18
Косонсойчи	7	2	5	20-12	16
Пахтакор-79	6	2	7	21-27	14
Мароқанд	5	4	6	18-22	14
Трактор	5	1	8	14-23	11
Кимёгар	4	3	7	13-21	11
Чирчиқ	4	2	8	15-21	10
Шаҳрихончи	2	6	6	10-24	10
Орол	3	3	8	9-17	9
Сурхон	0	7	8	10-28	7
Янгиер	2	2	11	12-31	6

● *Муштарий талаб қилади*

ПОЕЗДЛАР ҚАТНОВИ ЎЗГАРАДИМИ?

Бундан анча йиллар илгари Сирдарё, Гулистон ва Янгиер станциялари орқали тўғридан-тўғри жанубий вилоятларга бориш учун поездлар ўтиб турар эди. Кейинги пайтда бу станциялардан жанубга поездлар қатнови тўхтатиб қўйилди. Эндиликда, дейлик, Қаршига бориш учун Гулистон шаҳридан, аввало, Тошкентга ёки Жиззах шаҳрига автобусда етиб олиш зарур. Яқиндан бошлаб автобус нархи ҳам бир неча бараварга ошиб кетди.

Янгиер, Гулистон ва Сирдарё станцияларининг ўзидан Қарши томонга поездга чиқиш имконияти йўқ. Чунки жанубга борадиган поездлар Тошкентдан жўнаб «Меҳнат» станциясига келганда Сирдарё, Гулистон, Янгиер орқали эмас, балки тўғридан-тўғри йўлни қисқартириб, аҳоли кам яшайдиган чўл зонадан Жиззахга қараб йўл олмоқда. Қаршидан Тошкентга келадиган поездлар ҳам Жиззахга етгач, Сирдарё йўналишидаги станциялар орқали эмас, балки яна шу чўл зона бўйлаб Тошкентга қатнамоқда.

Шу ўринда поездлар қатнови жадвалидаги номувофиқлик ҳақида ҳам айтиб ўтиш керак. Тўғри, пойтахтнинг Жанубий вокзалидан Қаршига борадиган поездлар кўп. Бироқ улар аксариятининг қатнов жадвали бир хил. Масалан, «9-Тошкент — Душанбе» поезди Тошкентдан чиқиб, Сирдарё шаҳрига етганда Гулистон, Янгиер орқали юрмасдан, чўлга бурилиб — Жиззах орқали Қаршига йўл олади. Тошкентга келишда ҳам шу йўлдан юради.

«928-Тошкент — Кисловодск», «54-Тошкент — Нукус» поездлари ҳам «Меҳнат» станциясига етгач, чўлга қараб юрадилар ва Жиззах орқали Самарқандга равона бўладилар.

Илгари «66-Тошкент — Китоб» поезди Сирдарё, Гулистон ва Янгиер орқали узоқ йиллар қатнаб келган эди. Яқинда бунга ҳам кўз тегди. Эндиликда бу поезд ҳам юқоридаги маршрут бўйлаб ҳаракат қилмоқда. Кўриниб турибдики, тўрт маршрутдаги поездлар ҳам Сирдарё вилоятининг маркази Гулистон ва Янгиердан ўтмайди.

Шу ўринда савол туғилиши табиий. Хўш, Сирдарё вилоятида яшовчи аҳоли жанубий вилоятларга сафар қилмоқчи бўлса, қайси жамоат транспорти воситаларидан фойдаланган маъқул? Агар автобус дейдиган бўлсак, унинг нархи чидаб бўлмас даражада ошиб кетди-ку! Почта хизматларини бажаришга мутасадди бўлган биргина «918-Тошкент — Бейнов» поезди эса Сирдарё вилоятига келиб, бу ердаги бекатларда почта юкларини қолдиргач, иккита вагонда йўловчиларни олиб, жанубга «тошбақа юриш» билан етиб боради. Бу билан, албатта, йўловчилар эҳтиёжини қондириб бўлмайди.

Тўғриси, ушбу масалада йўловчиларга ёрдам беришни ўйлайдиган мутасадди раҳбарнинг ўзини топиш амримаҳол. Мен буни нимага асосланиб айтяпман? Биринчидан, Ўрта Осиё темир йўли бошқармасидагилар: «Бизнинг сизлардан бошқа ишимиз йўқми?» дея, сирдарёлик йўловчиларнинг бу борадаги таклифларини эътиборга олишмаяпти. Иккинчидан, маҳаллий ҳокимият органлари ҳам муаммони ҳал қилиш учун ёрдам бериш ўрнига ўзларини четга тортмоқдалар. Халқ дарди уларни қизиқтирмаяпти. Эндиликда бунга чек қўйиш лозим.

Ҳурматли таҳририят! Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси раҳбарларига яна бир бор йўловчиларнинг ҳақли талабларини етказиб қўйсангиз. Улар зора шундан сўнг поездлар қатновига ўзгаришлар киритиш ҳақида ўйлаб қолишса...

Т. БАЙТУЛЛО,
Сирдарё вилояти.

ХОҲ ИШОНИНГ...

ҚАФАСДАГИ... ТЕЛЕВИЗОР

Сурхондарё вилоятининг Олтинсой районидаги Хайрондара қишлоқ касалхонаси шифокорлари давлат мулкини асрашнинг антиқа усулини топишди. Касалхона залига қўйилган яккаю ягона телевизор учун махсус темир қафас ясаттиришди. «Ойнаи жаҳон»ни қафас билан бирга кўтариб кетмасликлари учун уни темирбетон деворга мустаҳкамлаб қўйишди.

Халқ суди тошкентлик Д. Устинованинг тижорат соҳасидаги саъйи-ҳаракатларини баҳолаб тўрт йил шартли равишда озодликдан маҳрум этиш, икки йил синов муддати бериш ва мол-мулкини давлат фойдасига мусодара қилиш ҳақида ҳукм чиқарди.

Қилмиш-қидирмиш

ЖИЛОВЛАБ ҚЎЙИШДИ

Йигирма яшар «ишбилармон» меҳнат қилишни хоҳламади, бошқаларнинг меҳнати билан тайёрланган буюмларни фойдасига сотиш билан шуғулланиб келди. Бу гал ҳам Самарқанд ва Муборак давлат магазинларидан аёллар колготкалари ва эркаклар кўйлаклари катта туркумини харид қилиб, отчопар ёнидаги бозорда фойдасига пулламоқчи бўлди. Милиция бу текинхўрликка чек қўйди.

(ЎзА).

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: А. АБДУБАННОПОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 33-11-49, 32-54-06; ижтимоий адолат — 33-76-04, 32-53-15; партия турмуши, советлар ҳаёти ва мафкура — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14; деҳқончилик-саноат — 33-12-16, 33-07-20, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-20-36, 32-54-35; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-12-56, 32-55-16; ички ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24; 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-26-70, 32-54-27; безатиш — 32-57-22; ахборот-тижорат маркази — 32-53-20.

УЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-21, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 4-88-25, Термизда — 2-23-01.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

Буюртма № Г—192.

Нашр кўрсаткичи — 64583.
№ 116.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди—21.20. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.